
И.ф.д., проф. Самариддин ЭЛМИРЗАЕВ
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

**БАНК ТИЗИМИДА РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ВА
ХУСУСИЙЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

Аннотация. Мазкур мақолада тижорат банклари рақамли трансформациясининг аҳамиятли жихатлари, рақамли трансформациянинг давлат иштирокидаги ва хусусий тижорат банклари фаолият самарадорлигига таъсири масалалари тадқиқ қилинган. Рақамли трансформация жараёнида Ўзбекистондаги тижорат банклари соф фойда кўрсаткичлари ўзаро таққосланган. Рақамли трансформациянинг хусусий банklar соф фойдаси ва рентабеллигига ижобий таъсири юқорилиги шароитида тижорат банкларидаги давлат улуши хусусийлаштириш лозимлиги асосланган. Акцияларни оммавий жойлаштириш орқали хусусийлаштиришда инвестицион жозибадорлик муҳимлиги қайд этилган.

Калит сўзлар: рақамли трансформация, хусусийлаштириш, хусусий банк, давлат иштирокидаги банк, соф фойда.

**DIGITAL TRANSFORMATION AND PRIVATIZATION ISSUES IN THE
BANKING SYSTEM**

Abstract. This article explores key aspects of digital transformation in commercial banks and examines how digital transformation affects the operational efficiency of state-owned and private commercial banks. The study compares the net profit indicators of commercial banks in Uzbekistan during the digital transformation process. It substantiates the need to privatize the state's share in commercial banks, given the strong positive impact of digital transformation on the net profit and profitability of private banks. The article also highlights the importance of investment attractiveness in the privatization process through public offering of shares.

Keywords: digital transformation, privatization, private bank, state-owned bank, net profit.

Кириш

Бугунги жаҳон иқтисодиётидаги кескин рақобат барчамизга маълум ҳақиқат. Жамият талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда иқтисодиётни молиялаштириш амалиёти ҳам кескин рақобатдан ҳоли эмас. Бунда банк тизимининг роли шубҳасиз юқори. Тижорат банклари фаолияти ҳам бизнесга асосланганлиги боис улар самарадорлигини таъминлаш масаласи ҳам нафақат миллий, балки хорижий тижорат банклари ҳамда ҳукуматларининг доимий

диққат марказидаги масалалардан биридир. Бунда эса ўз-ўзидан банк тизимининг трансформацияси ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон иқтисодиётидаги молиялашув ва рақамлашув шароитида Ўзбекистон миллий банк тизими трансформацияси борасида сўнгги йилларда салмоқли ишлар амалга оширилди. Таҳлилларга кўра 2010-йиллар давомида молиявий технологияларга асосланган Fin-tech компаниялар молия бозорида ўз фаолликларини оширишди. 2018 йилга келиб жаҳонда Fin-tech компаниялар рақамли амалиётлар туфайли юқори самарадорликка эга эканликларини намоён қила бошлади ва маълум бир молиявий амалиётлар бўйича тижорат банклари рақобатлаша бошлашди. Шундай шароитда тижорат банклари рақамли трансформацияси зарурати кун тартибига чиқди. Натижада тижорат банклари томонидан Fin-tech компанияларни қўшиб олиш ёки молиявий технологияларга асосланган рақамли банк маҳсулотларини жорий этиш жаҳон бозорида кескин ривожланди. Бунда банк хизматларини глобал пандемия шароитида кўрсатиш зарурати ҳам ижобий таъсир кўрсатди.

Хорижий анъанавий банкларнинг юқори суръатларда рақамли банкларга трансформацияси шароитида мамлакатимиздаги тижорат банклари трансформацияси глобал рақобатга киришишда муҳимдир. Бунда хусусий банклар трансформацияси асосан рақамли трансформацияга йўналтирилса, давлат иштирокидаги тижорат банклари трансформацияси иккита йўналишда ташкил этилиши муҳимдир. Булар банк активларида хусусий банкларнинг улушини кескин оширишга эришиш ва иккинчи томондан рақамли трансформация амалиётидир.

Сўнгги йилларда Ипотека-банкка стратегик хорижий инвестор муваффақиятли жалб қилинди. Миллий молия бозорига 13 та янги хусусий банклар кириб келди. Венгрия, Қозоғистон ва Грузиянинг нуфузли банклари юртимизда фаолият юритаётганлиги ҳам банк тизимида хусусий сектор улушини оширишга қаратилган амалий ишларга яққол мисолдир. Мазкур жиҳатлар давлат улушига эга тижорат банкларида трансформация жараёнларини якунлаб, 2026 йил якунига қадар банк активларида хусусий сектор улушини 60 фоизгача етказиш [1] бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган алоҳида мақсад ижроси томон интилишни ўзида намоён қилади. Шунингдек онлайн банк хизматлари ҳажмининг 2,7 баробарга ошганлиги банк тизими рақамли трансформациясидаги дастлабки натижалардир.

Юқоридагиларга қарамасдан банк тизими трансформациясида эътибор қаратилиши ва амалга оширилиши лозим бўлган жиҳатлар ҳамон мавжудлигича қолмоқда. Қолаверса «Ўзбекистон — 2030» стратегиясида белгиланган банкларни хусусийлаштириш ва давлат ихтиёрида 3-4 та банкни сақлаб қолиш, банк бозорига камида 4 та йирик нуфузли чет эл банкларини

жалб қилиш; Банкларга халқаро тан олинган минимал стандарт ва талабларни жорий қилиш орқали меъёрлар ва назорат базаларини такомиллаштириш [2] каби вазифалар ижросини таъминлашда банк тизими трансформациясини жадаллаштириш шубҳасиз муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар шарҳи

Тижорат банкларининг рақамли трансформациялашувига доир тадқиқотлар олиб борган А.Мирсоатов “банк хизматлари бозорига инновацион молиявий маҳсулотлар ва хизматлар шиддат билан кириб келаётганлиги ҳамда сўнгги йиллардаги мобил тўловлардан тортиб рақамли пулларгача бўлган кўплаб мисли кўрилмаган молия ва банк соҳасига тааллуқли рақамлашувнинг банк тизимини ва миқдорларнинг ҳуқ-атворини қандай ўзгартираётганлиги қиёсий таҳлил қилган. Интернет ва мобил алоқанинг глобал тарқалиши банк ва молиявий тўловларнинг янгидан-янги шакллари пайдо бўлишига ёрдам бермоқда” [3], дея таъкидланган.

Тижорат банклари фаолиятида трансформацион жараёнларнинг концептуал асосларини такомиллаштиришда стратегик ва тактик ёндашувларни тадқиқ қилган З.Раҳмановга кўра “Тижорат банклари фаолиятининг барча йўналишларини рақамлаштириш жараёнлари стратегик ривожланиш нуқтаи-назаридан мавжуд бўлган тизимли муаммоларни тўлиқ бартараф этиш имконини бермайди” [4]. Бунда биринчи навбатда тижорат банкларида мулкӣ трансформация муҳим ва у ҳақида мақола таҳлилларида ҳам тўхталиб ўтамиз.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига раислик қилган М.Нурмуратов “Замонавий шароитда банк секторининг рақамли трансформацияси рақамли иқтисодиётни барпо этиш жараёнининг ажралмас қисми ҳисобланади. “Рақамли Ўзбекистон 2030” стратегияси доирасида рақамли молиявий хизматларни ривожлантириш, хусусан, аҳолининг кенг қатламларининг масофавий хизматлардан фойдаланишини таъминлаш ва сифатини ошириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилди. Айни пайтда мамлакатимизда учта рақамли банк ва 34 та нобанк тўлов ташкилоти мавжуд бўлиб, улардан 10 таси электрон пул тизими операторлари реестрига киритилган. 2021 йилда омонатларнинг 53 фоизи, олинган микрокредитларнинг 40 фоизи, коммунал ва бошқа тўловларнинг 48 фоизи, валюта конвертацияси бўйича операцияларнинг 15 фоизи масофадан туриб амалга оширилган” [5], дея 2022 йилда таъкидлаган эди.

Ўзбекистонда инновацион банк маҳсулотларини жорий этиш орқали банк хизматлари бозорини ривожлантиришга доир тадқиқотлар олиб борган Д.Абдурахимова “Хорижий ва Ўзбекистон банклари трансформацияси, янги банк маҳсулотлар жорий қилиниши тенденциялари таҳлили асосида рақамли

банк маҳсулотларидан фойдаланиш банклар рентабеллигининг ўсиши, операцион харажатларнинг камайиши, рискларнинг пасайишига олиб келади” дея қайд этади. Қўшимча сифатида эса рақамлаштиришнинг ўзи иқтисодиёт, хусусан, банк тизимида мавжуд муаммоларни ҳал қилмаслиги аниқланди. Мавжуд муаммоларнинг салбий таъсирини кучайтириши ва оқибатини кенгайтириши, жараёнларни эса бошқариб бўлмас даражада тезлаштириб юбориши мумкин”лигини ҳам таъкидлайди [6]. Бунда банкдаги мулкый муносабатлар шубҳасиз муҳимдир. Бунинг учун эса тижорат банкларидаги давлат улушини хусусийлаштириш лозим бўлади.

Тадқиқот методологияси

Банк тизимида рақамли трансформация ва хусусийлаштириш масалалари тадқиқида илмий абстраксиялаш, анализ, синтез, индукция, дедукция каби методлардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Республикамизда 2023 йил 1 сентябрь ҳолатига умумий банк активларида давлат иштирокидаги банклар улуши 69 фоизни ташкил этган бўлса, 2025 йил 1 октябрь ҳолатига 65,3 фоизга тушган. Бугунги кунда барча тижорат банклари капиталида эса 61 фоиз улуш давлат иштирокидаги банкларга тегишлидир. Умумий банк депозитлари ҳажмининг 52,3 фоизлик қисми давлат иштирокидаги банкларга тегишли бўлган бир вақтда 47,7 фоиз улуш хусусий банкларга тегишлидир. Шундай шароитда хусусий банклар рентабеллиги давлат иштирокидаги банклар рентабеллигига нисбатан 3,5-4 баравар юқоридир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисоботларига кўра мамлакатимиздаги тижорат банклари 2025 йилнинг дастлабки учта чораги мобайнида жами 10,9 трлн сўм соф фойдага эришган бўлиб, 2024 йил 9 ойлик натижаларга нисбатан бу кўрсаткич 2,79 трлн сўмга юқори ва умумий ўсиш 34,5 фоизни ташкил этган. Таҳлилларга кўра 2025 йил 9 ойи давомида тўртта тижорат банки соф фойдаси триллион сўмдан юқори бўлишига эришилган. Жумладан Ўзмиллийбанк 1 триллион 449,7 млрд сўм, Ўзсаноатқурилишбанк 1 триллион 386 млрд сўм, Намкорбанк 1 триллион 267,8 млрд сўм ҳамда Капиталбанк 1 триллион 156,6 млрд сўмлар соф фойдага эришганлиги ҳақиқатда эътиборга молик. Умуман ТОП-10 ликдан Ориент Финанс банк 793,5 млрд сўм, Ипак Йўли банки 752,5 млрд сўм, Трастбанк 616,9 млрд сўм, KDB Bank Ўзбекистон 493,2 млрд сўм, Давр банк 465,1 млрд сўм ҳамда Бизнесни ривожлантириш банки ўрин олганлигини қайд этиб ўтишимиз лозим. Энг юқори фойдага эришган Топ-10 та тижорат банклари соф фойдаси барча тижорат банклари соф фойдасининг 72 фоизини ташкил этган (1-расм).

БАНКЛАРНИНГ 9 ОЙЛИК МОЛИЯВИЙ НАТИЖАСИ (МЛРД СЎМ)



1-расм. Ўзбекистондаги тижорат банкларининг 2025 йил 9 ойлик яқунларга кўра соф фойдаси ҳажми ва унинг 2024 йил мос даврига нисбатан таққосланиши [7]

Бунда эътиборни тортадиган жиҳат шундаки, энг юқори фойдага эришган 10 та тижорат банкининг айнан 8 таси хусусий тижорат банкларидир. Ваҳоланки, хусусий банклар капитали миқдори давлат иштирокидаги банклар капиталига нисбатан кескин паст эканлигини шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтишимиз лозим. Мазкур рақамнинг ўзи давлат иштирокидаги банклар фаолиятининг самараси пастлигини ва банк тизимида хусусий сектор самарадорлиги кескин юқори эканлигини ўзида намоён қилади. Ва ўз-ўзидан тижорат банклари капиталидаги давлат улушини хусусийлаштириш заруратининг нақадар долзарблигини ўзида кўрсатади.

Давлат улушига эга тижорат банкларини хусусийлаштиришга тайёрлаш, уларнинг қимматли қоғозларини IPO га чиқариш борасида ҳам таклифлар қайта-қайта қўйилаётган, бу борада халқаро молия институтлари аллақачон жалб қилинган бўлсада амалий ишлар ҳамон кечикмоқда. Тижорат банклари акцияларини IPOга чиқариш орқали аҳолини инвесторга, акциядорга айлантириш, пировардида эса аҳолининг акциялар воситасида даромадга эга бўлишларини таъминлаш истикболда турмуш фаровонлиги юксалишига ҳам

хизмат қилиши 2019 йилдан буён таъкидланиб келинаётган бўлсада амалда давлат иштирокидаги тижорат банклари инвестицион жозибадорлигини ошириш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда, дея олмаймиз.

Шуни қайд этиш керакки, давлат иштирокидаги банклар акциялари “Тошкент” республика фонд биржасида номинал қийматдан ҳам паст даражада сотилаётган бир вақтда хусусий банклар акциялари ўз номиниал қийматидан бир неча баробар юқори сотилмоқда. Давлат иштирокидаги банклар акциялари инвестицион жозибадорлигини таъминлаш, аҳоли ва инвесторлар қизиқишларини ошириш мақсадида биринчин навбатда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисидаги қонунларда 2020 йилдан буён белгиланиб келинаётганидек соф фойданинг камида 50 фоизини дивидендга йўналтириш асосида аҳолининг акцияларга қизиқишини ошириб бориш муҳим. Шунингдек, Трастбанк каби хусусий банклар томонидан қўлланилаётган чораклик ёки ярим йиллик дивидендлар тўлаш амалиётларини давлат иштирокидаги банкларда ҳам қўллаш бевосита аҳолининг тижорат банклари акцияларига қизиқишни кескин ошириш билан бирга давлат улушини юқори қийматларда хусусийлаштиришга ҳам имкон беради. Бошқа томондан банклар акцияларининг дивиденд тарзидаги даромадлари иккиламчи қимматли қоғозлар бозорининг ривожланишига хизмат қилиши натижасида аҳоли ва инвесторлар акциялар бозор баҳоси ошишидан ҳам даромадга эга бўладилар. Натижада эса давлат иштирокидаги тижорат банкларида ҳам акциялар воситасида арзон молиявий ресурс жалб қилиш имконияти ортади. Яъни биз кўпинча гувоҳ бўлаётган акцияларни номинал қийматда жойлаштириш орқали фақатгина устав капиталини оширишга эришиш ўрнига акцияларни номиналдан юқори бозор баҳосида жойлаштириш ҳисобига ҳам устав капитални ошириш, ҳам қўшилган капитални ошириш имкониятига эришилади. Бу борада хорижий банклар таҳлил қилинганда улар хусусий капиталда устав капитали бор-йўғи 7-10 фоизни ташкил этиши, қўшилган капитал, хусусан эмиссион даромад 70-80 фоиз атрофида эканлигига гувоҳ бўламиз. Афсуски республикаміздаги давлат иштирокидаги тижорат банклари хусусий капитал таркибида акцияларни номинал қийматидан юқори бозор баҳосида жойлаштириш ҳисобига шаклланадиган қўшилган капитал миқдори 5 фоизга ҳам етмайди. Бу ҳолат ўз-ўзидан акциялар афзаллигидан давлат иштирокидаги банклар етарлича фойдалана олмаётганлигини кўрсатиб беради. Бу борада ҳам хусусий банклар амалиёти анча самарали. Биргина Капиталбанк акциядорлик тижорат банки томонидан 2020 йилда 38 миллиард сўмлик имтиёзли акцияларни қарийб 4 баварар юқори миқдорда жойлаштириш орқали арзон капитал жалб қилишга эришганлиги акцияларнинг арзон молиявий ресурс жалб қилиш имкониятини тақдим этиш афзаллигидан хусусий банклар самарали фойдаланаётганлигини яққол

кўрсатади. Кўряпмизки, банклар, умуман акциядорлик жамиятлари инвестицион жозибадорлиги таъминланишидан биринчи навбатда тижорат банклари ва бошқа акциядорлик жамиятлари манфаатдор. Кейин эса инвесторлар, хусусан ўз жамғармаларини акцияларга йўналтирадиган аҳоли манфаатдорлиги намоён бўлади. Ва бундан молия бозори ривожланиши орқали миллий иқтисодиёт фақат ва фақат ютишини таъкидлашимиз лозим бўлади. Шунингдек банклардаги давлат улушини хусусийлаштириш соф бозор принциплари асосида бозор баҳосида юқори нархларда хусусийлаштиришга имконият ортади.

Айнан инвестицион жозибадорлик таъминланган ҳолатдагина тижорат банклари томонидан ўтказилиши кутилаётган акцияларни аҳоли ўртасида оммавий жойлаштириш, яъни халқчил IPO амалиётларининг муваффақияти кафолатланади.

Шу ўринда яна бир жиҳатни таъкидлашимиз лозим. Мамлакатимизда реал сектор корхоналари томонидан ўтказилган акцияларни оммавий жойлаштириш амалиётлари яқунлангач, инвесторлар билан ўзаро манфаатли муносабатлар давом эттирилди, дея олмаймиз. Мазкур жиҳат халқчил IPO амалиётларига аҳолининг қизиқишига салбий таъсир кўрсатиб қўяди. Шунинг учун тижорат банклари томонидан халқчил IPO ўтказиш жараёнларида акциялар оммавий жойлаштирилганидан кейин ҳам акциядорга айланган инвесторлар – аҳоли билан дивидендлар воситасида муносабатлар ўзаро манфаатли тарзда амалга оширилишига ишонч уйғота олиши ва унга амал қилиши лозим бўлади. Бунда банклар томонидан ҳисобот даври яқунлари бўйича инфляция омилини ҳисобга олган ҳолда бозор даромадлилигидан келиб чиққан ҳолда дивидендлар тўлаб борилиши биринчи навбатда инвесторлар розилигига хизмат қилади. Шу билан бирга банкларнинг қўшимча арзон молиявий ресурс жалб қилишга қаратилган қўшимча акциялари чиқарилиши ва уларнинг муваффақиятли жойлаштирилишида ўзига хос реклама вазифасини ҳам ўтаб беради.

Алоҳида таъкидлашимиз лозимки, рақамли трансформация самарадорлиги тижорат банкларида акциядорлик капиталига эгалик ҳолатидан келиб чиққан ҳолда фарқ қилишини ҳам шу ўринда таъкидлашимиз лозим. Яъни хусусий банклар рақамли трансформацияси операцион харажатларни кескин қисқартиришга хизмат қилмоқда ва бу ўз навбатида соф фойда кўрсаткичининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Давлат улуши мавжуд тижорат банклари рақамли трансформацияси эса операцион харажатларнинг жиддий равишда камайишига олиб келмаяпти. Бундан ўз-ўзидан банк тизими трансформациясида мулкка эгаликнинг давлатдан хусусий секторга трансформацияси бирламчи эканлиги намоён бўлади. Шу боисдан банк тизимини хусусийлаштириш ва хусусий банкларнинг молия

бозоридаги фаоллигини ошириш охир-оқибат тизим самарадорлиги ўсишига хизмат қилади. Натижада мамлакатимизда банк ва молия тизимида йиллик кредитлаш ҳажмини 40 миллиард долларга етказиш, банк омонатлари ҳажмини 4 баробарга ошириш мақсадларига 2030 йилга қадар эришиш имкониятимиз ортади.

Хулоса

Банк тизими трансформацияси ва хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш Ўзбекистондаги тижорат банкларининг глобал рақобатга киришишларида муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга миллий иқтисодиётни фаол молиялаштириш орқали иқтисодий тараққиёт ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Рақамли трансформация самарадорлиги тижорат банкларида акциядорлик капиталига эгалик ҳолатидан келиб чиққан ҳолда фарқ қилади. Яъни хусусий банklar рақамли трансформацияси операцион харажатларни кескин қисқартиришга хизмат қилмоқда ва бу ўз навбатида соф фойда кўрсаткичининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Давлат улуши мавжуд тижорат банклари рақамли трансформацияси эса операцион харажатларнинг жиддий равишда камайишига олиб келмаяпти. Бундан ўз-ўзидан банк тизими трансформациясида мулкка эгаликнинг давлатдан хусусий секторга трансформацияси бирламчи эканлиги намоён бўлади.

Инвестицион жозибadorлик таъминланган ҳолатдагина тижорат банклари томонидан ўтказилиши кутилаётган акцияларни аҳоли ўртасида оммавий жойлаштириш, яъни халқчил IPO амалиётларининг муваффақияти кафолатланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сон Фармони, 28.01.2022 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида ПФ-158-сон Фармони, 11.09.2023 йил.
3. Мирсоатов А. Тижорат банкларининг рақамли трансформациялашуви: муаммолар ва ечимлар. // Молия ва банк иши. 2022. №3. – Б. 9-15.
4. Раҳманов З. Тижорат банклари фаолиятида трансформацион жараёнларнинг концептуал асосларини такомиллаштириш: стратегик ва тактик ёндошув. // Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar (Economics and Innovative Technologies). 2023. №4. – Б. 12-22.

5. Нурмуратов М. “Ўзбекистон банк секторининг трансформацияси рақамли иқтисодиётни ўрнатиш жараёнининг ажралмас қисмидир”. <https://bankers.uz/news/447>
6. Абдурахимова Д. Ўзбекистонда инновацион банк маҳсулотларини жорий этиш орқали банк хизматлари бозорини ривожлантириш. Иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. Тошкент, 2023. – 79 б.
7. <https://bankers.uz/news/2816>